

304 - عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ أَبُو طَلْحَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَكْثَرُ الْأَنْصَارِ بِالْمَدِينَةِ مَالًا مِنْ نَخْلٍ، كَانَ أَحَبَّ أَمْوَالِهِ إِلَيْهِ بِيَرْحَاءٍ، كَانَتْ مُسْتَقْبِلَةً الْمَسْجِدِ، كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْحُلُهَا، وَيَشْرُبُ مِنْ مَاءِ فِيهَا طَيْبٍ، قَالَ أَنَسٌ: فَلَمَّا تَرَكَ هَذِهِ الْآيَةَ: {لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّىٰ تَنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ} قَامَ أَبُو طَلْحَةَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: {لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّىٰ تَنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ} وَإِنَّ أَحَبَّ أَمْوَالِي إِلَيَّ بِيَرْحَاءٍ، وَإِنَّهَا صَدَقَةٌ لِلَّهِ تَعَالَى، أَرْجُو بِرَبِّهَا وَدُخْرَهَا عِنْدَ اللَّهِ، فَضَعَهَا يَا رَسُولَ اللَّهِ حَيْثُ أَرَاكَ اللَّهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «بَخِ، ذَلِكَ مَالٌ رَابِحٌ، ذَلِكَ مَالٌ رَايْحٌ، وَقَدْ سَمِعْتُ مَا قُلْتَ، وَإِنِّي أَرَى أَنْ تَجْعَلَهَا فِي الْأَقْرَبَيْنَ»، فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ: أَفْعَلُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَسَّمَهَا أَبُو طَلْحَةَ فِي أَقْارِبِهِ، وَنَبِيِّ عَمِّهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 1461، م 998].

وَقَوْلُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَالٌ رَابِحٌ» رُوِيَ فِي «الصَّحِيفَةِ»: «رَابِحٌ» وَ«رَايْحٌ» بِالْبَاءِ الْمُوَحَّدَةِ، وَبِالْبَاءِ الْمُشَتَّتَةِ؛ أَيْ رَايْحٌ عَلَيْكَ تَفْعُلُهُ، وَ«بِيَرْحَاءٌ» حَدِيقَةٌ نَخْلٌ، وَرُوِيَ بِكَسْرِ الْبَاءِ وَفَتْحِهَا.

304. Анасдан розияллоху анҳу ривоят қилинади.

«Абу Толҳа Мадинада ансорларнинг хурмоси энг кўпи эди. Молларининг унга энг суюклиси эса Байруҳо* бўлиб, у масжиднинг рўпарасида эди. Расулуллоҳ соллаллоҳ алайҳи васаллам унга кирар ва ундаги шириң сувдан ичар эдилар. Ушбу «Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа

қилмагуnungизча яхшиликка эриша олмассиз» ояти нозил бўлганида Абу Толҳа туриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига борди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳ табарока ва таоло: **«Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа қилмагуnungизча яхшиликка эриша олмассиз»,** демоқда. Менинг учун молларимнинг энг суюклиси Байруҳодир. У Аллоҳ учун садақа бўлсин. Аллоҳнинг ҳузурида унинг яхшилигини ва заҳира бўлишини умид қиласман. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ сизга кўрсатган жойга ишлатинг!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жуда зўр! Мана шу фойдали молдир! Мана шу фойдали молдир! Мен айтганингни эшитдим. Менга қолса, уни қариндошларингга** (садақа) **қил**», дедилар. Абу Толҳа: «Шундай қиласман, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Кейин Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакиваччалари ўртасида тақсим қилиб берди».

Муттафақун алайҳ.

Ривоятларда ҳадис лафзидаги арабча «робиҳун» ва «ройиҳун» сўzlари «фойда» ва «фойдаси сенга қайтувчи» деган маъноларни англатиб келган.

Шарҳ: Абу Талҳа розияллоҳу анҳу ушбу ҳадиснинг ровийи Анас розияллоҳу анхунинг ўгай отаси бўлган.

Байруҳо – боғнинг номи. Айрим манбаларда унинг номи бироз бошқачароқ ҳам келган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Абу Талҳа розияллоҳу анхунинг ансорийлар ичидаги энг бой киши бўлганлари.
2. Боғга ном қўйиш борлиги. Абу Талҳанинг боғлари «Байруҳо» деб номланиши шуни кўрсатади.
3. Саҳобаи киромларнинг Қуръони каримга амал қилишга иштиёқлари кучли эканлиги. Матнда зикр қилинган ояти каримага амал қилиб Абу Талҳа ўзлари энг яхши кўрган моллари – «Байруҳо»ни Аллоҳнинг йўлига аташлари шуни кўрсатади.
4. Савобли ишни қилишдан олдин бундек ишларни яхши биладиган киши билан маслаҳат қилиш кераклиги.
5. Абу Талҳанинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган

муҳаббатлари. Боғни нима қилсангиз ўзингиз биласиз, дейишлари шуни кўрсатади.

6. «Садақа» сўзи билан ҳам вақф бўлиши.

Буни киноя билан вақф қилиш, дейилади. Бир киши садақа қилдим десаю, вақфнинг аломати сезилиб турса, ундан садақа деганингда нимани ирода қиляпсан, деб сўралади. Вақфни ирода қилган бўлса вақф бўлади.

7. Вақф қилинган мол-фойда берувчи мол экани.

8. Қариндошларга вақф қилиш жоизлиги.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, Абу Талҳа мазкур боғни Ҳассон ибн Собит ва Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳум каби камбағал қариндошларига вақф қилган эканлар.

Манба: hadis.islom.uz

